

ДИНИЙ ЭРКИНЛИК СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭТИРОФ ЭТИЛИШИ

Исаев Бекислом Ҳидоятullo ўғли

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти

Аннотация. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликларнинг олий мақсади халқимизга, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир.

Сўнгги 4 йил – 2016-2020 йилларни ўз ичига олган давр халқаро доиралар томонидан Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи деб аталмоқда. Ушбу қисқа вақт ичида Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилган ислохотлар давлат ва жамиятнинг жадал ривожланишига эришиш, халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, уларнинг изчиллигига эришиш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Калит сўзлар: Ислохот, эркинлик, бағрикенглик, стратегия, конфессиялараро, Ислом цивилизацияси.

Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилганлиги, БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 19 сентябрда таклиф этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир.

Диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар мамлакатда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлашга асос бўлмоқда. Мамлакатимизда бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон диний-маърифий соҳада кенг кўламли ислохотларни амалга ошираётган давлатлардан бири ҳисобланиб, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар томонидан ижобий баҳо берилаётганлиги бунга далил бўлади.

Парламентнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини амалга оширишдаги роли тубдан ўзгарди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини (“йўл

хариталари”ни) парламент палаталари томонидан тасдиқлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Жамиятда конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенгликни янада мустақкамлашга йўналтирилган дин соҳасидаги олиб борилаётган Ўзбекистон сиёсати барқарорлик ва хавфсизликнинг муҳим омилидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув яшаб келишмоқда. Турли миллат ва дин вакилларининг ҳар қандай тажовуздан бежавотир ўз ибодатларини эмин-эркин адо этишлари жамият барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларидан саналади.

Ўзбекистонда ислом маърифатини тарқатиш, ўтмиш аجدодларнинг бой маънавий меросини янада чуқур ўрганиш олиб борилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан саналади. Бу борада Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ва Ислום цивилизацияси марказининг ташкил этилиши, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини йўлга қўйилиши тарихий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам “жаҳолатга қарши маърифат” деган улуғвор ғоя асосида дин соҳасидаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш, бузғунчи ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳоли, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш каби устувор йўналишлар эътироф этилган.

Ўз навбатида, ҳукумат томонидан ислом динини мусалффолигини асраш, уни турли бузғунчи оқимлар ғояларидан айри эканини ёш авлодга сингдиришга қаратилган тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқи алоҳида эътиборга молик. Юртбошимиз ўз нутқида ислом динини зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қоралаб, улар билан ҳеч қачон мураса қилиб бўлмаслигини таъкидлаган эди.¹ Бу фикрнинг амалий ифодаси ўлароқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли резолюциясида: “Терроризм, зўравон экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги керак”, дея қайд этилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрдаги 189 (6883).

декабрь кундаги ялпи сессиясида қўллаб-қувватланиб, бир овоздан қабул қилинди.

Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган бу каби эзгу ғоялар дунёнинг нуфузли сиёсатчилари, давлат ва жамоат арбоблари томонидан кўтаринкилик билан кутиб олинмоқда. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари Зайд ал-Хусайн ўз интервьюсида бугунги динлараро ва миллатлараро нотинчлик бўлиб турган таҳликали замонда Ўзбекистондаги мавжуд динлараро ва миллатларо тотувлик ва диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар турли давлатлар учун ўрнак бўлишга лойиқ эканлигини қайд этиб ўтди.

АҚШнинг Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти президенти Фредерик Старр ҳамда институт директори Сванте Корнелл “Ўзбекистон: мусулмон дунёсидаги ислоҳотлар учун янги модель” сарлавҳали мақолада “Минтақа исломнинг эътиқодий маркази сифатида қараладиган Яқин Шарқдан қолишмаган ҳолда, тарихий, диний ва интеллектуал асосларига кўра, мусулмон дунёсининг маркази бўлишга ҳақли”, дея таъкидлаган.

Ўз навбатида бу ўзгаришлар республикамизнинг халқаро имижини янада юксалишига замин ҳозирлайди. Жумладан, 2020 йил декабрь ойида АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистонни махсус кузатувдаги мамлакатлар рўйхатидан олиб ташлади. Бу ҳақидаги хабарни АҚШ давлат котиби Майкл Помпео маълум қилган.

Хусусан, Помпео ўз баёнотда диний эркинлик бу инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканини алоҳида таъкидлаб, “Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати”да ўзгаришлар бўлганини айтиб ўтган.

“Сўнгги бир йил ичида Ўзбекистон ҳукумати эришган муҳим, аниқ ютуқларга асосланиб, Ўзбекистонни махсус кузатув рўйхатидан чиқарилганлигини эълон қилишдан мамнунман. Ўзбекистоннинг қонунлари ва амалиётдаги жасоратли ислоҳотлари бошқалар учун намуна бўлмоқда”, дея Майкл Помпео республикамиз эришаётган ютуқларни эътироф этиб ўтган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон 2006 йилдан 2018 йилгача “алоҳида хавотирдаги мамлакатлар рўйхати”да эди. Диний эркинликлар борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз 12 йилдан сўнг ушбу рўйхатдан чиқарилиб, “Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати”га ўтказилди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон мазкур рўйхатдан тўлиқ чиқарилди. Ушбу жараён республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро эътирофи ва ортга қайтмаслигининг тасдиғидир².

АҚШнинг Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ

²<http://muslim.uz>. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар халқаро жамоатчилик эътирофид. 02.04.2021

институти президенти Фредерик Старр ҳамда Институт директори Сванте Корнелл томонидан “Ўзбекистон: мусулмон дунёсидаги ислохотлар учун янги модель” номли мақола эълон қилинди.

Мақолада Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган туб ўзгаришларга ижобий баҳо берилган. Муаллифлар Ўзбекистондаги бу янгиланишлар мамлакат Президентининг шахсий ташаббуси асосида амалга оширилаётганини алоҳида қайд этганлар.

Тадқиқотчилар Ўзбекистон Раҳбариятининг диний соҳадаги сиёсатига юқори баҳо берадилар. Жумладан, мақолада жиноий фаолияти учун жавобгарликка тортилган, қилган ишидан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлини танлаган 16 мингдан ортиқ фуқароларнинг “махсус ҳисоб”дан чиқарилиши, хорижда юрган шу тоифадаги шахсларни мамлакатга қайтариш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида қайд этилган.

Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев даврида Ўзбекистоннинг бой диний-маънавий тарихга даъвогарлиги амалий ҳаракатларда намоён бўлмоқда. Унинг даврида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди.

“Ўзининг бой ўтмишга эга эканини эътироф этиш билан бир қаторда, Ўзбекистон ана шу тарихни илмий асосда ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилаётгани бутун мусулмон дунёси учун авваллари учрамаган, янги йўналишни тақдим этмоқда”, - дейилади мақолада.

Муаллифларнинг таъкидлашича: “Минтақа, исломнинг эътиқодий маркази сифатида қараладиган Яқин Шарқдан қолишмаган ҳолда, тарихий, диний ва интеллектуал асосларига кўра, мусулмон дунёсининг маркази бўлишга ҳақли”.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари мусулмон дунёсининг энг илғор илмий кашфиётлари, бебаҳо диний манбалари араблар томонидан эмас, балки айнан марказий осийликлар томонидан амалга оширилган, деган фикрни илгари сурадилар.

Жаҳоннинг етакчи экспертлари ва илмий доиралари томонидан Ўзбекистондаги диний-маърифий ислохотларга билдирилаётган муносабат, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар халқаро майдонда эътироф этилаётганининг амалий ифодасидир³.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишидан келиб чиқадиган турли миллат ва конфессиялар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини

³ <https://religions.uz>. Ш.Миноваров. Диний-маърифий соҳадаги ислохотлар дунёнинг етакчи экспертлари нигоҳида.

мустаҳкамлаш, конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва асраш, юртимизда тинчлик ва тотувликни таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга интилаётган рўйхатдаги ягона мамлакат бўлиб турибди. Бу ҳақда АҚШ сенатори Роджер Викар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик комиссиясининг (Хелсинки комиссияси) 11 декабр куни Вашингтонда Помпеонинг баёноти муҳокамасига бағишлаб ўтказилган мажлиси чоғида маълум қилган. “Ўзбекистон бу борада салмоқли ишлохотларни амалга оширди, сабаби у мамлакатнинг равнақини истайди», деб қайд этди Браунбэк телеанжуман чоғида. “Улар мамлакатда терроризмнинг камайишини истайдилар ва буни одамлар турмуш даражасининг яхшиланишида асосий омиллардан бири деб билдилар. Биз буни тушунамиз ва улар билан ишлаймиз”, деди у⁴.

Кувайтда чоп этиладиган нуфузли нашр — “Ас-сияса” газетаси Ўзбекистонда кейинги йилларда диний соҳада амалга оширилаётган ишлохотлар ҳақида мақола эълон қилди. Унда мамлакатимизда диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш, ислом илм-фани ва маданиятининг бебаҳо дурдоналари бўлмиш бой маънавий меросимизни сақлаш, ўрганиш, инсониятга эзгу ғоя ҳамда таълимотларини етказишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланган.

Ўзбекистонда 16 та конфессияга мансуб 2200 дан зиёд диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатаётгани, малакали диний ходимлар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралаётгани, ушбу мақсадда ўндан ортиқ диний таълим муассасалари иш юритаётгани мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг муҳим омили сифатида баҳоланган.

Айни вақтда Ўзбекистонда ислом дунёсининг маълум ва машҳур сиймолари — Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Муин Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд каби аллома ва азиз-авлиёларнинг илмий меросини ўрганиш, улар хоки мангу қўним топган манзилларни обод этиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида таъкидланган.

“Сурхондарё вилоятида Имом Термизий мақбараси таъмирланди. Унинг ёнгинасида янги масжид ва кутубхона барпо қилинди. Бу ерда ҳадис ва бошқа ислом илмлари ривожига улкан ҳисса қўшган мусулмон уламоларининг илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Шу вақтга қадар буюк алломанинг 14 номдаги асари таржима қилиниб, ўзбек тилида нашр этилди”, дейилади мақолада.

Газетада ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил октябрь ойида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари

⁴ https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2018/12/27/feature-01

кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ғояси илгари сурилган эди. Бу ташаббус Имом Бухорийдек буюк алломанинг илмий меросини чуқур ўрганиш, дунёга тараннум этиш, ҳадис илмлари ривожига ҳисса қўшишни мақсад қилади.

Шунингдек, “Ас-сияса” газетаси ўз саҳифасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мактаби, Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилганини ислом маданияти ва илмий меросини ўрганиш йўлидаги муҳим қадамлар сифатида ёритган⁵.

Афғонистонда инглиз тилида чоп этиладиган “The Kabul Times” газетасида “АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинликларни бузувчи давлатлар рўйхатидан тўлиқ чиқарди” сарлавҳаси остида мақола чоп этилди, деб хабар бермоқда “Дунё” АА. Материал муаллифи 2020 йил 7 декабрь куни АҚШ Давлат департаменти томонидан тарқатилган расмий баёнотга кўра, Ўзбекистон диний эркинликлар соҳасида АҚШнинг “Махсус кузатув рўйхати”дан чиқарилгани ҳақида сўз юритган. Бунга Ўзбекистон ҳукумати томонидан сўнгги йилларда эришилган “муҳим, аниқ ютуқлар” асос бўлгани маълум қилинган. Таъкидланишича, Ўзбекистон айти пайтда диний эркинликлар тўлиқ таъминланаётган мамлакатлардан бири сифатида тан олинган. АҚШ Давлат департаментининг ушбу қарори Ўзбекистон Конституциясининг 28 йиллиги арафасида қабул қилингани рамзий маъно касб этиши, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек мамлакатда миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чуқур демократик ислоҳотларнинг эътирофи ўлароқ урғуланади. АҚШнинг халқаро диний эркинлик масалалари бўйича махсус элчиси Сэм Браунбэк АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг мазкур қарорини Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилган диний эркинлик соҳасидаги қатъий садоқат, машаққатли меҳнат ва туб ислоҳотларнинг натижаси, деб эътироф этгани таъкидланган⁶.

Фойдаланган манбалар:

1. <https://xs.uz>. О.Файзиев. Араб наشري Ўзбекистоннинг диний соҳадаги ислоҳотларини эътироф этди. 29.01.2019
2. <http://muslim.uz>. “The Kabul Times”: Ўзбекистоннинг диний эркинликларни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқаро майдонда эътироф этилмоқда. 28.12.2020
3. <https://religions.uz>. **Ш.Миноваров. Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар дунёнинг етакчи экспертлари нигоҳида.**

⁵ <https://xs.uz>. О.Файзиев. Араб наشري Ўзбекистоннинг диний соҳадаги ислоҳотларини эътироф этди. 29.01.2019

⁶ <http://muslim.uz>. “The Kabul Times”: Ўзбекистоннинг диний эркинликларни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқаро майдонда эътироф этилмоқда. 28.12.2020

4. https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2018/12/27/feature-01
5. <http://muslim.uz>. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар халқаро жамоатчилик эътирофид. 02.04.2021
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрдаги 189 (6883).